

АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ва УЛАРНИНГ БОШҚАРИШДАГИ ЎРНИ

Р Е Ж А :

- 1.Тизим ҳақида тушунча ва унинг турлари**
- 2.Ахборот тизими ҳақида тушунча**
- 3.Ахборот тизимларининг вазифалари ва
ривожланиш босқичлари**

ТИЗИМ ТУШУНЧАСИ

Бугунги кунда жамиятимиз жуда тезкор ривожланиб бормоқда. Деярли ҳар дақиқада сайёрамизнинг турли бурчакларида кескин ўзгаришлар, янгиланишлар ва кутилмаган воқеа-ҳодисалар содир бўлмоқда. Ҳар бир дақиқамиз, кунимиз кучли ахборот оқими остида кечмоқда. Ахборот оқими бизни уйда, ишхона ва таътилда боринки барча жойда таъқиб этади. Инсон ахборот таъсиридан холи нормал фаолият юрита олмайди. Ҳаётни англаш, уни ўрганиш ахборотларни йиғиш ва уларни ўзлаштириш орқали кечади. Инсоннинг билимлилик даражаси ҳам маълум давр ичида шахс томонидан ўзлаштирилган ахборотларнинг хажми билан белгиланади.

ТИЗИМ ТУШУНЧАСИ

Ҳозирги даврда фан ва техникада кўп қўлланиладиган тушунчалардан бири - тизимдир.

Тизим - юнонча сўз бўлиб, ташкил этувчилардан иборат бир бутунлик деган маънони англатади

Тизимларни уларнинг турли белгиларига қараб туркумлаш мумкин.

Умуман олганда, тизимлар моддий ёки мавҳум бўлиши мумкин (мавҳум - инсон онги маъсули).

Тизимлар

Моддий тизимлар

асосан моддий объектлар тўпламидан ташкил топади. Ўз навбатида моддий тизим аорганик (механик, химик) ва органик (биологик) тизимга ёки аралаш тизимга ажратилади. Моддий тизимларда асосий ўринни **ижтимоий тизим** эгаллайди. Бундай тизимнинг хусусиятларидан бири инсонлар ўртасидаги муносабатларни акс эттиришдир.

Мавҳум тизимлар

Мавҳум тизимлар инсон онгининг маҳсули бўлиб, ҳар хил назариялар, билимлар, гипотезалардан иборат.

Ахборот технологияси ҳам моддий тизим унсурларини (компьютерлар, хужжатлар, инсонлар), ҳам но моддий тизим унсурларини (математик моделлар, инсон билимлари ва ҳоказо) ўз ичига олади.

Тизимлар

тузилиши
бўйича

Вақт давомида
ўзгаришга қараб

Ташқи муҳит
билан бўладиган
алоқасига қараб

**оддий ёки
мураккаб**

- Оддий тизимларни ташкил этувчи унсурлар сони кам бўлиб, содда тузилишга эга бўлади.
- Мураккаб тизимлар эса, бир нечта унсурлардан ташкил топган бўлиб бу унсурлар ҳам ўз навбатида алоҳида тизимларга бўлиниши мумкин.

**статистик ва
динамик**

- Статистик тизим да вақт давомида ўзгариш бўлмайди
- Динамик тизимда эса, вақт ўтиши билан ҳолат ўзгариб боради

очиқ ёки ёпиқ

- Очиқ тизимлар ташқи муҳит билан актив алоқада бўлади.
- Ёпиқ тизимларнинг унсурлари эса ташқи муҳитдан таъсирланмайди.

Бугунги кунда кўплаб турли хил тизимлар яратилган бўлиб, улар ўз таркиби ва бош мақсадлари бўйича бири-бирдан фарқланади.

Тизим	Тизим элементлари	Тизимнинг бош мақсади
Фирма	Ходимлар, жихозлар, материаллар, бинолар ва бошқалар	Товар ишлаб чиқиш
Компьютер	Электрон ва механик элементилар, алоқа линиялари ва бошқалар	Маълумотларга ишлов бериш
Алоқа тизими	Компьютерлар, модемлар, кабеллар, дастурлар ва бошқалар	Ахборот узатиш
Ахборот tizimi	Компьютер, компьютер тармоқлари, ходимлар, ахборот ва дастурий таъминотлар	Янги ахборот ва унинг асосида зарур қарор ишлаб чиқиш
Операцион tizim (энг кичик тизим)	Компьютер, фойдаланувчи, ОТ	ОТ билан мулоқот

АХБОРОТ ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИ

Ахборот тизимлари эса ихтиёрий соҳада ҳар хил вазиятларда қарор қабул қилиш учун ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, қидириш ва узатишни таъминлайди. Улар вазиятни таҳлил қилишга ва янги қарорлар, маҳсулотлар яратишга ёрдам берадилар.

Ахборот тизими- қўйилган мақсадни амалга ошириш учун ахборотни қидириш, йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, ва узатиш усуллари, воситалари ва ходимларнинг ўзаро боғлиқ мажмуидир.

АХБОРОТ ТИЗИМИ


Ахборот тизимларининг асосий техник воситаси сифатида компьютер ва алоқа-коммуникация воситаларидан фойдаланиш кўзда тутилади. Ундан ташқари, АТизимлари инсон ва унинг самарали фаолияти учун ахборот манбаи сифатида яратилади. АТ ни “каттакон билимдон, доно темир яшиқ” деб тасаввур қилиш мумкин. Унга инсон савол билан муурожаат қилади ва керакли, фойдали жавобни олади. Шунинг учун Ахборот тизимларини яратишда хилма-хил, замоннинг энг янги, энг кучли, кенг қамровли, баъзан махсус программалари ишлатилиши аниқ.

АХБОРОТ ТИЗИМИ

Келгусида корхона, ташкилот, фирма бир хил маънога эга деб қараймиз ва улар бир мақсад билан йиғилган ходимларнинг мажмуи деб тушунилади. Улар фирмада умумий моддий, молиявий ва ахборот ресурслари ва хизматларга эга.

- Ихтиёрий АТизимининг ишлаш жараёнини куйидаги тасвирда кўрсатамиз. Асосий ишлар 4 та блокдан иборат: дастлабки маълумотни киритиш, унга ишлов бериш, натижавий маълумотни ҚҚ учун истеъмолчиларга ёки бошқа Ахборот тизимларига узатиш, тескари алоқани таъминлаш, яъни натижани таҳлил қилиб дастлабки маълумотларни ходимлар ёки бошқа АТ томонидан тузатиш.

Ахборот тизимида жараёнлар



Барча ахборот тизимларига хос бўлган асосий хоссаларини келтирамиз

1. Ахборот тизимининг тузилиши ва функцияси белгиланиши қўйилаётган мақсадга мос келиши
2. Маълумотлар базасига, эксперт тизимларга ва билимлар базасига асосланган аниқ, ишончли, вақтида тизимлаштирилган маълумотлар ишлаб чиқиш.
3. Ахборот тизимлари корхонанинг асосий принципларига мос равишда инсон томонидан назорат қилиниши, тушунилиши ва фойдаланилиши лозим. АТ фойдаланувчисининг интерфейси енгил тушунадиган даражада бўлиши
4. Ахборотларни узатишнинг тармоқ технологияларига мос бўлиши

Ахборот тизимларини қўллаш натижасида қуйидагиларга эришиш мумкин:

- Бошқарув масалаларини ечишда математик методлар ва интеллектуал тизимлардан фойдаланиш янги рационал ечимларга олиб келади;
- Ходимлар ишларини автоматлаштириш натижасида зерикарли, бир хил такрорланувчан ишлардан озод қилинади;
- Ахборотнинг ишончлилигини оширади;
- Қоғоз ахборот ташувчиларни электрон ахборот ташувчилар билан алмаштиради ва ахборотни қайта ишлаш рационал ташкил этилади;

Ахборот тизимларини қўллаш натижасида қуйидагиларга эришиш мумкин:

- Ахборот ва ҳужжатлар оқимини ҳаракатини яхшиланади;
- Маҳсулот ва ахборот ишлаб чиқариш харажатлари ва хизматларини камайтиради;
- Истеъмолчиларга янги хизматларни таклиф қилади;
- Бозорнинг янги иштирокчиларини аниқлайди;
- Истеъмолчиларга ва таъминотчиларга янги хизматлар ва имтиёзлар таклиф қилади ва истеъмолчилар миқдорини сақлаб қолади, ҳатто кўпайтиради.

АТнинг ривожланиш босқичларини

Даврлар	АТизимларида н фойдаланиш концепцияси	АТизимлари тури	Фойдаланишдан мақсад
1950-1970	Қоғоздаги ҳисоблаш ҳужжатлар оқими	Илмий-техник, иқтисод-ҳисоб ишларида ҳужжатларга ишлов берувчи	Ҳужжатларга ишлов беришни тезлаштириш ва ҳисоб ишлари сифатини оширади
1970-1980	Ҳисоботлар тайёрлаш	Иш.чиқ. соҳасида бошқарувчи	Ҳисоботларни тайёрлашни тезлаштириш
1980-2000	Савдода-сотик ишларини бошқарув назорати	Бошқарувнинг юқори бўғини учун Қарорлар қабул қилишни таъминловчи	Энг мақбул ечимни ишлаб чиқиш, ҚҚҚни тезлаштириш
2000-...	Рақобатдан ютиб чиқишни таъминлайдиган	Стратегик АТизимлари ва оффисини автоматлаштириш	Ташкилотнинг рақобатдан ютиб чиқиши ва гуллаб яшнаши. Янги товарлар,

Иқтисодий объект (фирмалар, корхоналар, барча турдаги хўжалик объектлари, фермер хўжаликлари ва ҳоказолар)


Бошқарувчи
субъект
ишлаб чиқариш
корхоналари-
нинг раҳбар
органлари, бўлин-
малари

Бошқарилувчи
объект
корхона цехлари,
ишлаб чиқариш
бўлимлари

Бошқариш тизими ишлаши учун зарур бўлган шарт-шароитлар қуйидагилардан иборат:

- 1.Бошқариш объектларининг мавжудлиги.**
- 2.Мазкур объект фаолиятининг мақсадга йшналтирилганлиги**
- 3.Бошқариш тизими мустақил ҳаракат қилиши учун муайян ҳуқуқларга эга бўлиши**
- 4.Бошқарувчи бошқарилувчи объект ҳақида мукаммал маълумотларга эга бўлиши.**

Ихтиёрий ташкилотнинг бошқарув тузилиши анъанага кўра уч даражага: операцион, функционал ва стратегик даражага бўлинади.



Бошқарувнинг оператив даражаси


Тезкор бошқарув даражаси кўп марта кайтарилувчи вазифалар ва операцияларини ҳал этишини ҳамда келадиган жорий ахборотлар ўзгаришини қайд этишни таъминлайди. Мазкур даражада бажариладиган операциялар ҳажми ҳам, бошқарув қарорларини қабул қилиш динамикаси ҳам етарлича юкори. Уни кўпинча вазият ўзгаришига тез жавоб қайтариш зарурияти туфайли тезкор бошқарув даражаси деб ҳам юритишади.

Бошқарувнинг ўрта даражаси

Ўрта (тактик функционал) бошқарув даражаси биринчи даражада тайерланган ахборотларни олдиндан тахлил этишни талаб қиладиган масалалар ечимини таъминлайди. Ҳал этиладиган масалалар хажми камаяди, бироқ уларнинг мураккаблиги ошади. Айни пайтда керакли ечимни ҳар доим ҳам тезкор ишлаб чиқиш имкони бўлмайди. Бунинг учун етмаган маълумотларни йиғиш, тахлил этиш ва фикрлашга кўшимча вақт талаб этилади.

Бошқарувнинг стратегик даражаси

Стратегик даража ташқилотнинг узок муддатли стратегик мақсадларига эришишга йуналтирилган бошқарув қарорларни танлашни таъминлайди. Мадомики, қабул қилинадиган қарорлар натижалари орадан узок вақт ўтгач кўринар экан, ушбу даражада стратегик режалаштириш каби бошқарув вазифалари мухим аҳамиятга эга. Кўпинча бошқарувнинг стратегик даражаси стратегик ёки узок муддатли режалаштириш деб юритилади.



1.2-расм Ташкилотни бошқариш тузилмаси умумий кўриниши



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ



- **Янги масалаларни ечиш** тамоийлига мувофиқ ахборотли технология оддий ҳисоб-китоб масалаларини ечиш билан чегараланиб қолмай, балки истиқболни белгилаш ҳамда оптималлаштириш масалаларини ҳам ечиши лозим. Бундай масалаларни ечишда иқтисодий математик усул ва моделлардан фойдаланилади.

- **Ўзаро алоқадорлик** тамайилига кўра, бир соҳада ташкил қилинган ахборот технологияси бошқа тармоқдаги тизимлар билан доимо алоқада бўлади. Бунда фойдаланилаётган маълумотлар маълум даражада умумий бўлиб, бошқа тизимларда ҳам қўлланилади.

- **Маълумотларни бир марта кири-тиб, кўп марта фойдаланиш тамо-йилига мувофиқ доимий ва шартли доимий бўлган ахборотлар ЭҲМ хотирасига бир марта жойлаш-тирилади. Бундай усулда ахбо-ротларни қайта ишлаш тезлиги ортади ва тегишли қарорларни яра-тиш муддатлари камаяди.**

АКТ соҳасидаги асосий норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар



Ўзбекистон Республикаси қонунлари

- “Алоқа тўғрисида” (13 январь 1992 йил);
- “Телекоммуникация тўғрисида” (20 август 1999 йил);
- “Ахборотлаштириш тўғрисида” (11 декабрь 2003 йил);
- “Электрон рақамли имзо тўғрисида” (11 декабрь 2003 йил);
- “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” (29 апрель 2004 йил);
- “Электрон тижорат тўғрисида” (29 апрель 2004 йил);
- “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида” (16 ноябрь 2005 йил).
- “Электрон ҳукумат тўғрисида” (9 декабр 2015 йил);

